

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тұғрисида

ШАРТНОМА № 41118

Тошкент ш.

2022 жыл “31” 08

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш күрүвчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “COMPLEX GRAPHICS” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш күрүвчи директор Ж. Кудратов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргалиқда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022-йил 25-августдаги 139001-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тұздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Жангох” маҳалласи, 2-эски уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 5-эски уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 10-ий олдида, “Жангох” маҳалласи, 2аб-ий олдида, “Жангох” маҳалласи, 7/4-ий ён томонида, “Лабзак” маҳалласи, 10а-ий олдида, “Лабзак” маҳалласи, 52-ий ёнидан прокуратурагача, “Лабзак” маҳалласи, 5-ийдан 51-ийгача, “Лабзак” маҳалласи, тўлик, Лабзак 1 тор кўчаси тўлик, кичик берк кўчаси билан, “Лабзак” маҳалласи, Лабзак 3 тор кўчаси тўлик, “Лабзак” маҳалласи, Баҳор кўчаси, 16-ий кўп қаватли уй ёни тўлик, “Лабзак” маҳалласи, Каттақўргон кўчаси, тўлик, берк кўчаси билан, “Гулбозор” маҳалласи, Гулбозор кучаси, “Гулбозор” маҳалласи, Шимолий тор, “Қоратош” маҳалласи, 8-ий олди, “Қоратош” маҳалласи, 2-ий олдида кластер усулида цементбетон қопламали ички йўлларни куриш. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса)” обьекти учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатылган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланса, келтирилган заарар бажарувчи томонидан қопланади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **66 700 000** (**Олтмиш олти миллион етти юз минг**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фойз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш хақидаги топширикка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета хужжатлariга тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета хужжатлariдан факат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумotларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қиласа, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисбланиди ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараённида аниқланган

камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур кўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига кайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига караб ишларни кўриб чиқиши муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатириди.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосида рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, тарафлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталрга лойиха-смета хужжатлари бўйича хуласа учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичida ёзма равиша огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини оддини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вактида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вактидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бирок шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.5. Пеняning тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдин олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлароро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судъяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳакиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик ҳолда қонунга хилоф пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни равища пул.

беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аникланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида кайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага қуидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, РЕСПУБЛИКАСИИ ҲОКИМИЯТИ
16а-уй, УИЛДО СОНГИ 14 ИНН 204 775 594
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА
ЮИНА РУз
100 300 100 00 100
30452 186 028 277 7045 929 14 80 59
Директор В.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ “COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ

Юридик манзили:

Тошкент ш. Юнусобод туман,
А. Темур-107б
х/р: 2020 8000 1050 7824 5001
АТБ “Давр банк” Юнусобод филиали.
МФО: 01122
СТИР: 306 408 443; ОКЭД: 41100

Директор

Ж.О. Курратов



Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани “Жангоҳ” маҳалласи, 2-эски уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 5-эски уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 10-уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 2аб-уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 7/4-уй ён томонида, “Лабзак” маҳалласи, 10а-уй олдида, “Лабзак” маҳалласи, 52-уй ёнидан прокуратурагача, “Лабзак” маҳалласи, 5-ийдан 51-уйгача, “Лабзак” маҳалласи, тўлиқ, Лабзак 1 тор кўчаси тўлиқ, кичик берк кўчаси билан, “Лабзак” маҳалласи, Лабзак 3 тор кўчаси тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Бахор кўчаси, 16-уй кўп қаватли уй ёни тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Каттакўргон кўчаси, тўлиқ, берк кўчаси билан, “Гулбозор” маҳалласи, Гулбозор кучаси, “Гулбозор” маҳалласи, Шимолий тор, “Қоратош” маҳалласи, 8-уй олди, “Қоратош” маҳалласи, 2-уй олдида кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса)” объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини аниqlаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТҲРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани “Жангоҳ” маҳалласи, 2-эски уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 5-эски уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 10-уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 2аб-уй олдида, “Жангоҳ” маҳалласи, 7/4-уй ён томонида, “Лабзак” маҳалласи, 10а-уй олдида, “Лабзак” маҳалласи, 52-уй ёнидан прокуратурагача, “Лабзак” маҳалласи, 5-ийдан 51-уйгача, “Лабзак” маҳалласи, тўлиқ, Лабзак 1 тор кўчаси тўлиқ, кичик берк кўчаси билан, “Лабзак” маҳалласи, Лабзак 3 тор кўчаси тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Бахор кўчаси, 16-уй кўп қаватли уй ёни тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Каттакўргон кўчаси, тўлиқ, берк кўчаси билан, “Гулбозор” маҳалласи, Гулбозор кучаси, “Гулбозор” маҳалласи, Шимолий тор, “Қоратош” маҳалласи, 8-уй олди, “Қоратош” маҳалласи, 2-уй олдида кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса)”объекти бўйича (кейнинг ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини танлаш мақсадида № 139001 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул килинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 августдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Жангох” маҳалласи, 2-эски уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 5-эски уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 10-уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 2аб-уй олдида, “Жангох” маҳалласи, 7/4-уй ён томонида, “Лабзак” маҳалласи, 10а-уй олдида, “Лабзак” маҳалласи, 52-уй ёнидан прокуратурагача, “Лабзак” маҳалласи, 5-уидан 51-уйгача, “Лабзак” маҳалласи, тўлиқ, Лабзак 1 тор кўчаси тўлиқ, кичик берк кўчаси билан, “Лабзак” маҳалласи, Лабзак 3 тор кўчаси тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Бахор кўчаси, 16-уй кўп қаватли уй ёни тўлиқ, “Лабзак” маҳалласи, Каттақўргон кўчаси, тўлиқ, берк кўчаси билан, “Гулбозор” маҳалласи, Гулбозор кучаси, “Гулбозор” маҳалласи, Шимолий тор, “Қоратош” маҳалласи, 8-уй олди, “Қоратош” маҳалласи, 2-уй олдида кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни куриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС обьектга талаб этилса)” обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.

С. Сагдиев

Ш. Қодиров

О. Хамидов

П. Абдузатторов

М. Холматова


Тасқылайман

**Толикент шаҳар ҳокимлиги "Янота буортмачи хизмати" ИКининг
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2022 йил 8 августрдаги VI-68-206-14-0-K/22-сондиги
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 маъддати ПК-249-сондиги карбоя**

100

"Кеппинлид"
Бекет шаҳар Иқтисодий тарбијат
а камбўянилни кишикартириши
бонг бонашмараси

№	Объекты земельных участков	2022 йылғы фойдаланыштын тапшырылышы														
		Күршил бөлшемдік шарты	Лицензия шарты	Областной Управлени ем кибернети ческого сектора (административ ные функции)	01.01.22- йылдан Баштап жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	1226, жолшетка бындан Видим жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	01.01.22- жасалған жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	1226, жолшетка бындан Видим жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	01.01.23- жасалған жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	Энергетика жарық шашы на салыныш дастырыла	Технология негиздес бүрелі бейнелеудегі жерлерде	Технология негиздес бүрелі бейнелеудегі жерлерде				
1	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
72	Төмөнкінген жеке тұрақты жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	2022ж.	область	Жамылжан Жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай	Ассоциация Фонд	Күншілік жарылай
73	Төмөнкінген жеке тұрақты жасалған обласст ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы бөлшемдік шарты	2022ж.	область	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832	71,832
				41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451	41,451



"Келиннің" 2022 ж.

Төмөнкінген жеке тұрақты жасалған обласст
ттың уәсібінен түркіменстан жерлерде, жаңы
бөлшемдік шарты

Молия бой болып жасалған болшемдік шарты

Л.Н.Исматуллаев

2022 ж.